

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Тошкент ислом университети

«Исломшунослик» йўналиши
1 курс магистранти
Сотиболдиева Дилобарнинг
«Ҳадис тўпламларини қиёсий ўрганиш»
фанидан ёзган

КУРС ИШИ

Мавзу: *Тасаввуфда ҳадислардан фойдаланиш*

Илмий раҳбар: *Д. Раҳимжонов*

Тошкент – 2010

Мундарижа:

Кириш.....	3
1. Тасаввуфнинг пайдо бўлиш босқичлари.....	5
2. Тасаввуфнинг асосий ғояси.....	8
3. Тасаввуфга оид манбаларда ҳадисларнинг талқин қили- ниши.....	14
Хулоса.....	17
Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати.....	20

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Мустақилликка эришганимиздан сўнг, ўтмиш маданий мероси ва қадриятларини ўрганишга кенг йўл очилди. Миллий ўзликни англаш, маънавий меросни ўрганиш ва тадқиқ этиш, ўтмишда яшаб ўтган мутафаккир ва алломаларнинг илмий-фалсафий ва диний-ахлоқий карашларидан халқ оммасини баҳраманд этиш ҳаётий заруратга айланди¹.

Ислом дини заминида вужудга келган, авлиёлар эътиқодидан туғилган, қарийб ўн икки асрдан бери яшаб келаётган, энг муҳими кишиларнинг комиллик даражасига етказишга хизмат қиладиган ҳамда асрлар мобайнида халқимиз маънавий-ахлоқий ҳаётининг асосий мезони ва негизларидан бири бўлиб келган таълимот бу – тасаввуфдир. Шу боис, тасаввуф таълимоти кишиларни соғлом эътиқод, юксак маънавият, ирфоний тафаккур, маърифат ва маданиятга чорлайдиган ва тарбиялайдиган ахлоқ-одоб мажмуи бўлгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, «Бизнинг улуғ аجدодларимиз ўз даврида комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий мезонлар мажмуини, замонавий тил билан айтганда, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанликларини эслаш ўринлидир. Ота-боболаримизнинг онгу тафаккурида асрлар, минг йиллар давомида шаклланиб, сайқал топган ор-номус, уят ва андиша, шарму ҳаё, ибо ва иффат каби юксак ахлоқий туйғу ва тушунчалар бу кодекснинг асосий маъно-мазмунини ташкил этади, десак, ўйлайманки, хато қилмаган бўламиз². Комил инсон тарбиясини давлат сиёсатининг устувор соҳаси деб эълон қилганмиз. Комил инсон деганда биз, аввало онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз³. Комил инсонлар ҳаёти, сўзлари ва эзгу амаллари эса биз учун ҳамиша юксак ахлоқ

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари / Хавфсизлик ва барқарорлик тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – Б. 524.

² Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 118.

³ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т. 7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 134.

намуналари бўлиб келган. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, битирув малакавий ишининг долзарблиги қуйидагилар билан белгиланади:

Биринчидан, тасаввуф таълимоти – инсоннинг руҳий ва маънавий дунёси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, инсонни комилликка элтувчи илмдир. Шу боис, тасаввуф халқимизнинг руҳий эҳтиёжларини қондириш, маънавий кадриятларини тиклаш ва теран англашга хизмат қилувчи таълимот бўлганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Иккинчидан, Ўзбекистон ўз олдига иймон эътиқоди бутун, иродаси бақувват эркин фуқаро маънавиятини шакллантириш, яъни мустақил дунёқарашга эга, аждодларимизнинг бебаҳо мероси ва замонавий тафаккурга таяниб яшайдиган баркамол шахс – комил инсонни тарбиялаш вазифасини қўйган⁴ бир пайтда тасаввуфий ғояларнинг инсонлар ҳаётидаги, айниқса ёшлар тарбиясидаги ўрни ва аҳамияти каттадир.

Учинчидан, Тасаввуфда илгари сурилган ғоялар яхши ахлоқли бўлиш ва фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳар қачонгидан кўра долзарблик касб этаётган⁵ бугунги кунда ёшларни турли диний оқимлар таъсиридан асраш ҳамда энг асосийси, уларни илм олишга, ҳалол меҳнат қилишга ундашда муҳим аҳамиятга эгадир.

⁴ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. 8. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 341.

⁵ Каримов И.А. Юсак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 119.

1. Тасаввуфнинг пайдо бўлиш босқичлари

Тасаввуф илми ислом илмлари орасида катта аҳамиятга эга бўлган илмлардан бири ҳисобланади. Бу илм инсон нафсини тарбияловчи, қалбини энг эзгу сифатлар билан безаб, уни гўзал ахлоқ соҳиби бўлишга етакловчи ҳамда энг асосийси маънавий мартабаларни босиб ўтиб, энг юксак мартаба бўлмиш «комил инсон» мақомига эришмоқ қоидаларини ўргатувчи ва ниҳоят, тавҳид сирларини баён этувчи илм бўлгани учун ҳам ислом маданияти ва тафаккури тарихида муҳим ўрин тутди. Асрлар давомида тасаввуф хусусида кўплаб фикрлар айтилиб, унга турлича таърифлар бериб келинган. Жумладан, **Жунайд Бағдодий** (в. 910 й) «**Тасаввуф - Ҳақнинг сендаги «сен»ни ўлдириши ва сени Ўзининг наздида тирилтиришидир**»⁶, - деб таъриф беради.

Тасаввуф нима эканини биргина жумла билан ифодалаб бўлмайди. Тасаввуф инсон ва инсонийлик устида баҳс юритади. Исломнинг бош ғояси ва асосини тушунтириб беради. Кишига унинг ўз нафси борасидаги энг зарур маълумотларни, бошқа инсонлар билан муносабатларидаги энг муҳим ижтимоий одобни, банда билан Аллоҳ орасидаги боғланишда унга катта фойда ва зарар берадиган нарсаларни ўргатиш орқали Исломнинг моҳиятини англатади. Шунга асосан бир томондан фикҳ илмига, бошқа жиҳатдан тиббиёт илмига ўхшайди. Зеро, илоҳий ҳукмларни қалбга баён этишда фикҳ илмини эсга олади. Шу билан бирга, руҳий бурҳонларни баён этиб, лозим бўлган дорилар ва чора-тадбирларни тавсия қилиб, маъсият пардалари ила қопланган хаста нафсларни даволайди ва ҳақли равишда қалбий ёхуд нафсоний тиббиёт номини олади. Бу илм шунинг учун ҳам ТАСАВВУФ дея номланган. Зеро, бу калима тазкия (айбдан оқлаш, оқлаш) ва тасфия (софлаштириш, поклаш) маъносидадир⁷.

⁶ Турар У. Тасаввуф тарихи. – Т.: Истиқлол, 1999. – Б. 17.

⁷ Нуруллоҳ Сайдо ал-Жазарий. Тасаввуф сирлари. 1-китоб. – Т.: Мовароуннахр, 2000. - Б. 4-5..

Ислом тарихига назар ташлайдиган бўлсак, фикҳ, тафсир, калом ва бошқа зоҳирий илмлар каби тасаввуф илми ҳам ҳижрий II ва III асрларда пайдо бўлди. Албатта, бу илмнинг бошқа илмлардан фарқли жиҳатлари мавжуд. Тасаввуф илмининг қандай қилиб дунёга келгани ва қандай хусусиятларга эга эканлиги тўғрисида Ибн Холдун “Муқаддима” асарида аниқ-равшан маълумот берган. Унга кўра: “Бу илм, ислом жамиятида пайдо бўлган шаръий илмлардандир. Унинг асли будир: тасаввуф аҳлининг йўли, саҳоба ва тобеъиндан бўлган салафлар назарида Ҳақ ва ҳидоят йўли эди. Тасаввуф йўлининг асоси, дунёнинг зеб-зийнатию гўзалликларидан юз ўгирмоқ, ўткинчи дунё ҳисларидан кўнгилни айириб, Ҳаққа йўналмоқ ва тоат-ибодатга астойдил бел боғламоқдир. Ҳижрий II асрдан бошлаб мусулмонлар орасида дунё севгиси кучайиб кетгач, тоат-ибодатга берилганлар тоифаси суфий ва мутасаввиф исмлари билан танилдилар”⁸. Дастлаб у зоҳидлик ҳаракати кўринишида куртак ёяди⁹. У пайдо бўлганидан то бугунга қадар босиб ўтган даврларни назарий жиҳатдан қуйидаги босқичларга ажратиш мумкин:

- зуҳд даври;
- тасаввуф даври;
- ваҳдат ал-вужуд даври;
- тариқатлар даври;
- замонавий тасаввуф.

Зуҳд даври. VII VIII асрларда зоҳидларда намоён бўлган хусусият – қилган тоат-ибодатлари, дунёдан юз ўгиришлари ва ҳар қандай зоҳидона турмуш тарзларида Аллоҳнинг ризолигини топиб, жаннатга кириш ва жаҳаннам азобларидан қутулиш ғоясига эга бўлишларидир. Яъни уларнинг ҳаётларида устувор бўлган туйғу ва тушунча – жаҳаннам кўркуви ва

⁸ Тасаввуф тарихи ҳақида тўлиқ маълумот учун қаранг: Калабозий Абу Бакр Муҳаммад. Ат-таъарруф ли мазҳаби аҳли ат-тасаввуф / Юҳанно ал-Жайб ас-Содир нашрга тайёрлаган. – Байрут: Дор ас-Содир, 2006 /Мавлоқулова М. тарж. – Т.: Ғафур Ғулом, 2002; Турар У. Тасаввуф тарихи. – Т.: Истиқлол, 1999. Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. – Т.: Ёзувчи, 1996; Унинг ўзи: Тасаввуф. Иккинчи китоб. Тавҳид асрори. – Т.: Ўзбекистон ва Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат, 1999; Муҳаммад Содиқ М.Ю. Тасаввуф ҳақида тасаввур. – Т.: Мовароуннаҳр, 2004; Усманов И.Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг «Наводир ал-усул» асари ҳадис ва тасаввуф илмига оид муҳим манба. Тар. фан. ном. дис... - Т.: ТИУ, 2005.

⁹ Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. – Т.: Ёзувчи, 1996. – Б. 5.

жаннатда Аллоҳнинг жамолини кўриш умиди эди. Бу даврдаги зоҳидларда аввал “қўрқув”га таянган зухд тушунчаси ҳукмрон бўлади. Лекин VIII асрда Басра тасаввуф мактабига мансуб машҳур зоҳид Робия ал-Адавия (в. 135/752) билан боғлиқ янгича туйғу ва тушунчалар, яъни илоҳий ишқ тушунчаси тасаввуфга кириб келди¹⁰.

Тасаввуф даври. VII –VIII асрларда жаҳаннамдан қўрқиш, Жаннатга умидворлик ва Аллоҳнинг ризолигига эришиш фикрига асосланган зоҳидона турмуш, яъни зоҳирий ибодат, риёзат ва мужодалалар тарзидаги тасаввуфий ҳаёт IX–X асрларда ботинга юзланди: руҳий покланиш ва Аллоҳга эришмоқ фикри асосий ғояга айланади. Шу тарзда тасаввуф руҳоний психологик аҳамият касб этади ва мутасаввифлар тасаввуфни инсон руҳиятининг турли кўринишларида тадқиқ этиб, руҳан камолотга эришиш йўллари излай бошлайдилар. IX–X асрлар – тасаввуф илм сифатида шаклланиб, унинг тамойиллари барпо этилган, буюк мутасаввифлар шаклланиб етиша бошлаган ва мумтоз тасаввуфий асарлар ёзилган давр бўлди. Бу даврда тасаввуф илмининг бош мавзулари белгиланди. Суфийлар жамият аъзолари ўртасида алоҳида бир табақа сифатида намоён бўла бошладилар. Баъзи жойларда тасаввуф мактаблари ташкил топди.

IX аср бошларига келиб тасаввуфнинг назарий асослари ишлаб чиқилди, суфийларнинг амалий, руҳий-психологик машқлари, ўз-ўзини тарбиялаш ва чиништиришнинг усуллари шаклланиб борди ва тариқат, маърифат, ҳақиқат деган тушунчалар юзага келди¹¹. Инглиз олими Ж.Тримингем тариқатларнинг вужудга келиши ва тараққиётининг шахс камолотига таъсирига кўра уч босқичга ажратган. Биринчи босқич тариқатлар ривожининг “олтин даври” (X–XIII асрлар) “хонақоҳ” деб аталиб, шахс фақат Аллоҳга буйсунган. Иккинчиси “тариқат” (XII–XIV асрлар) бўлиб, шахс руҳий камолотида тасаввуф қоидаларига буйсуниш вужудга келган. Учинчиси “тоифа” (XV аср) деб аталиб, унда муриднинг пир-муршидга

¹⁰ Усмонов И. “Наводир ал-усул” ҳикматлари. – Т.: Фан, 2009. – Б.29.

¹¹ Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. – Т.: Ёзувчи, 1996. – Б. 20.

сиғиниши кучайган ва бу шахснинг эркин руҳий ўсишини чеклаган. Айни пайтда юқорида қайд этилган икки ҳолат учинчи босқичда ҳам бўлган¹². Биринчи босқич суфийлари сўз, амалда руҳан эркин бўлганлар ва ушбу босқич хусусиятини сақлаб қолган кейинги давр тариқатлари ривожланиб борган, қолганлари эса таназзулга юз тутган.

Тасаввуф калимасининг қаердан келганлиги ва тасаввуф аҳлига нима учун суфий исми берилгани мавзусида турли карашлар илгари сурилган. Баъзилар тасаввуфнинг Исломдан келиб чиққанлигига қарши даъволарни бу сўзнинг келиб чиқиши ҳақидаги фикрлари билан ҳимоя қилганлар.

Тасаввуф атамасининг этимологияси борасида бир неча карашлар мавжуд бўлиб, уларнинг аксариятида мазкур атаманинг “صوف” (жун) сўзидан келиб чиққани қайд этилади. Чунки суфийлар танларини риёзатда чиниктириш ҳамда дунёнинг моддий бойликларидан юз ўгирганликларининг исботи сифатида қаттиқ жундан тикилган либос кийиб юрганлар¹³.

2. Тасаввуфнинг асосий ғояси

Тасаввуф ва унинг тариқатларини тан олмайдиган, азиз-авлиёларнинг кароматларини инкор қиладиган баъзи тоифадаги кишилар: «Ислом шариати турганда тасаввуф, тариқат, суфийликка нима бор? Қуръон билан Сунна фақат шариат аҳкомларини ўргатади. Шуларни бажарилса, кифоя», деб даъво қиладилар. Ваҳоланки, тасаввуф илми ҳам ақоид, тафсир, ҳадис, фикҳ илмларидек Қуръон билан Суннадан олиниб, кейинчалик мустақил фанлар қаторидан жой олган.

Расулуллоҳ (с.а.в): **“إِنَّمَا بُعِثْتُ لِأَتَمِّمَ صَالِحِي الْأَخْلَاقِ”** (**“Албатта, мен солиҳ ахлоқларни батамом қилиш учун юборилганман”**)¹⁴ дейиш билан сўнгги пайғамбар сифатида ўз рисолатини билдирганлар. Расулуллоҳ (с.а.в)га Аллоҳ таоло томонидан юклатилган буюк ва шарафли касблардан бири, рисолат

¹² Тримингэм Дж.С. Суфийские ордены в Исламе. Пер. с англ. А.А.Ставиской, под ред. и с предис. О.Ф. Акимускина. – М.: Наука, 1989. – Б. 90.

¹³ Йўлдошхўжаев Ҳ. Тариқатчиликнинг замонавий кўринишлари. – Т.: Тошкент ислом университети, 2010. – Б. 5.

¹⁴ Абу Ҳурайра(р.а)дан ривоят қилинган ҳадис.

берилишининг асосий сабабларидан бири – яхши ахлоқларни баркамол қилиш, тамомига етказиш эди¹⁵. Тасаввуфнинг асосий ғояси ҳам ахлоқнинг камол мартабасига эришмоқ учун ҳар соҳада Расулуллоҳ (с.а.в) кўрсатган йўлдан юриб, ботиний ва зоҳирий етуклик жихатдан унинг ҳақиқий вориси бўлмоқ йўлини кўрсатишдир. Тасаввуфнинг ғояси – Жаноби Ҳақнинг розилигига эришмоқ учун нафсни поклаб, гўзал ахлоқ эгаси бўлишга интилоқ, яъни Аллоҳ ва Унинг Расулининг хулқи билан ахлоқланишдир. Шу боис, суфийлар «تخلّفوا بأخلاق الله» «*Хулқингиз Аллоҳ хулқига мос келсин*» ҳадисини ҳаёт мазмунига айлантирганлар.

Саҳл ибн Абдуллоҳ Тустарий (в.261/896)¹⁶ эса тасаввуф асослари ҳақида куйидаги фикрларни келтиради: “Аллоҳ китобини маҳкам ушлаш, Расулуллоҳ (с.а.в) суннатларига иқтидо қилиш, ҳалол ёйиш, бировга азият етказмаслик, гуноҳларни четлаб ўтиш ва ўз бурчларини адо этишдир”¹⁷.

Фикҳ, тафсир, ҳадис ва калом каби илмлардан ташқари, мустақил бир илм соҳаси сифатида ҳижрий II асрнинг охиридан бошлаб жамлана бошлаган тасаввуфнинг бир қанча ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Ислом оламида пайдо бўлиб, тараққий этган тасаввуфнинг асосини ташкил этувчи ғояларнинг барчаси ислом динининг асосий манбаси ҳисобланган Қуръони карим ва ҳадиси шарифларга асосланади. Тасаввуф мавзусида асар ёзган муаллифлар, барча фикрларини ё бир ояти каримага ёхуд бир ҳадиси шарифга таянган ҳолда билдирганлар. Мутасаввифлар орасида “Тасаввуф шариатнинг ботинидир”¹⁸, деган шашхур ибора бор.

1. Муҳаққиқ уламолар тасаввуфни ботиний, яъни ички фикҳ дейдилар¹⁹.

¹⁵ Муҳаммад Содиқ М.Ю. Одоблар ҳазийнаси / Имом ал-Бухорий “Ал-адаб ал-муфрад” китобининг шарҳи. Биринчи жуз. – Т.: Шарқ, 2008. – Б. 442.

¹⁶ Тасаввуфда “нафс” ва “ҳаво” мавзуларига қатта аҳамият берган суфийлардан бўлиб, “таваккул” ва “валоят” (валийлик) борасида кўпгина қарашларга эга.

¹⁷ Ас-Суллами Абу Абдурраҳмон. Табақоти суфийя/ Таржимон, нашрга тайёрловчи ва муқаддима муаллифи Нуритдинов М. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ФА “Фан”, 2004. – Б. 9.

¹⁸ Турар У. Тасаввуф тарихи. – Т.: Истиклол, 1999. – Б. 18.

¹⁹ Тўлиқ маълумот учун қаранг: Муҳаммад Содиқ М.Ю. Тасаввуф ҳақида тасаввур. – Т.: Мовароуннахр, 2004. – Б.51-57; Унинг ўзи: Ҳадис ва ҳаёт: Зухд ва рақоиклар. – Т.: Шарқ, 2008.

Бундан фикҳ икки қисмга: зоҳирӣ – ташқи ва ботинӣ – ичкига бўлиниши келиб чиқади. Уламоларимиз шариат илмларини зоҳирӣ фикҳ деб атайдилар, ёки шундай фикҳ илми дейиш билан кифояландилар. Бинобарин зоҳирӣ фикҳ шаръий амалларнинг ташқи томонига аҳамият беради.

Таҳоратдан таълим бераётган фақиҳ олим, қўлни яхшилаб уч марта ювилади, панжаларини бир-бирини орасига киритиб таҳлил қилиш лозим. Юз ва оёқларни ювганда ташқи ҳукмларни баён қилиб беради.

Таҳоратдан таълим бераётган тасаввуф олими бу ибодатни қилишни бошлаганда ва уни адо этиш жараёнида қалбни қандай тутишни ўргатади. Ҳар бир аъзони ювганда қалбдан нималар ўтиш кераклигини майдалаб баён қилади.

2. Тасаввуфнинг ақоид илмига ҳам яқиндан боғлиқлиги бор.

Маълумки, ақоид илми эътиқод масалаларини муолажа қилиб, одатда бу борадаги бош масалалар ҳақида баҳс юритиб, ҳар бир масала бўйича оят ва ҳадислардан далиллар келтиради. Аммо бу илм ҳис-туйғу, завқу шавқ, қалбий масалаларга аҳамият бермайди. Тасаввуф эса айнан шу масалаларга аҳамият беради.

Мисол учун ақоид илми Аллоҳ таоло эшитиш, қўриш, гапириш, қудрат, ҳаёт, илм каби сифатларга эга эканлиги ҳақида баҳс юритади. Аммо банда ўзини Аллоҳ таоло эшитиши ёки қўришини бутун вужуди билан қандоқ ҳис қилишини тасаввуф илми ўргатади.

Суфийларнинг фикрича, фақат комил инсонгина ҳақиқатни тушуниши мумкин, шунинг учун ҳам комилликка интилади. Комил инсон даражасига етишиш шартларидан бири эҳсон мартабасига кўтарилишдир. Эҳсон араб тилидаги “аҳсана” сўзидан ясалган бўлиб, яхши, Аллоҳга маъқул келадиган, Аллоҳ буюрган амалларнигина адо этишликни англатади. Демак, эҳсон деганда мункара амалларга зид бўлмиш адо этилган хайрли, Аллоҳга маъқул келадиган амалларни тушунишимиз зарур. Бундай хайрли амалларни бажарувчи инсон муҳсинлик мартабасига етмасдан туриб комил инсон бўла

олмайди. Шу боисдан Ислом тасаввуфининг ўзак мазмуни мўмин банданинг эҳсон даражасига етишлигидирки, бу Азза ва жаллага етишишнинг энг олий босқичидир.

Илм аҳллари орасида «Жаброил ҳадиси» номи билан машҳур бўлган ўзида улкан маъноларни мужассамлаштирган Умар Ибн Хаттоб (р.а)дан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ (с.а.в)дан эҳсон ҳақида сўралганда: “الإحسان أن تعبد الله كأنك تراه فإن لم تكن تراه فإنه يراك” – **«Аллоҳга худди Уни кўриб тургандек, агар сен Уни кўрмасанг, у сени кўриб тургандек ибодат қилмогинг»** – дедилар²⁰. Демак, эҳсон банданинг Аллоҳ кўриб тургандек ихлос билан ишонмоғи, ҳаёт кечирмоғидир. “Аллоҳ мени кўриб турибди”, деган ишонч билан, шунга яраша амал билан яшамоғидир. Бу даражага етмаган шахс эса эҳсон ва ихлос даражасига етмайди. Иймон, ислом ва эҳсоннинг қўшилуvidан дин ҳосил бўлади. Иймон – эътиқод масалаларига оид илоҳий таълимотлар тўплами бўлиб, уни ўргатадиган илм, одатда ақийда, ислом динининг амалий қисмини шариат бўлиб, унга оид диний таълимотларни ўргатадиган илм одатда фикҳ илми деб аталадиган бўлиб қолган. Эҳсон диннинг қалбга боғлиқ тарбия қисми бўлиб, уни одатда тариқат ҳам дейилади. Бунга оид диний таълимотларни ўргатадиган илм одатда *тасаввуф илми* деб аталадиган бўлиб қолган²¹.

Эҳсон диннинг қалбга боғлиқ тарбия қисми бўлиб, уни одатда тариқат ҳам дейилади. Бунга оид диний таълимотларни ўргатадиган илм – *тасаввуф илми* деб аталади.

3. Тасаввуф Қуръон ва Суннат ҳақиқатига етиб, унга амал қилишни йўлга қўйишга ўргатади. Тасаввуф айнан Қуръон ва Суннатда келган маъноларни тушуниш билан кифояланиб қолмай, уларнинг моҳиятини англаб етиш, уларга бутун вужуд билан амал қилишни ўргатади.

Мутасаввифлар “Биз унга (Хизрга) Ўз ҳузуримиздан илм берган эдик”²² оятига суяниб, зоҳирий илмдан ташқари яна ладун илми (ботиний

²⁰ Муслим. “Саҳиҳ”, 1 жуз, 17 бет. Имом Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Насайлар ривояти.

²¹ Мухаммад Содиқ М.Ю. Тасаввуф ҳақида тасаввур. – Т.: Мовароуннаҳр, 2004. – Б. 49-50.

²² Каҳф сураси 65-оят.

илм) ҳам борлигини қабул қилганлар, сезги ва илҳомга таянадиган билим ва назария (қоида)ларини ушбу тамал асосига қурганлар. Шунингдек, улар *“Аллоҳ кимни ҳидоятга йўллашни ирода этса, унинг кўкси (қалби)ни Ислом учун кенг очиб қўяди”*²³, *“Ахир кўксини Аллоҳ Ислом учун (кенг) очиб қўйган, ўзи эса Парвардигори (томони)дан нур (ҳидоят) узра турган киши (бошқалар билан баробар бўлурми?!)”*²⁴ оятларга асосланиб, бу илм банданинг касби эмас, Аллоҳнинг иноят қилиши натижасида қўлга киритилади. Расулуллоҳ (с.а.в)нинг бир неча ҳадислари ҳам моҳиятан суфийларнинг бу мавзудаги фикрлари қўллаб-қувватлайди:

“استفتت نفسك البر ما اطمأن إليه القلب واطمأنت إليه النفس والإثم ما حاك في القلب وتردد في

الصدر وإن أفتاك النفس”

“Ўз нафсингиздан фатво сўранг! Қалб ва нафс хотиржам, қарор топиб қилинган иш эзгуликдир. Қалбни заш қилувчи (виждонни азобга солувчи) ҳар қандай иш гуноҳдир. Кишилар фатво берсалар ҳам сиз ўз қалбингиздан фатво сўранг”

4. Тасаввуф таҳзийби ахлоқни – ахлоқни сайқаллашни йўлга қўяди.

5. Тасаввуф тазкиятун нафсни – нафсни поклашни ҳам ўргатади.

Тасаввуфнинг асосий ғояси инсонни маънавий камолотга етказиш бўлганлиги боис, «маърифат» - тасаввуфнинг муҳим мавзуларидан бири ҳисобланади. Маърифатуллоҳ – Аллоҳни таниш, билиш. Тасаввуф таълимотига кўра, «маърифат» тушунчаси, асосан, икки қисмга бўлинади ва улар айна пайтда бирлашиб, «маърифат» тушунчасини ҳосил қилади:

1. «Маърифат ун-нафс» (Қалб, ўзликни англаш).

2. «Маърифатуллоҳ» (Аллоҳни таниш, билиш).

«Маърифат ун-нафс» ҳосил бўлгандан сўнг «маърифатуллоҳ»га етилади деб, тушунтирилади. «Маърифатуллоҳ»ни англаган зотлар эса «орифи биллоҳ» (Аллоҳни таниган) ҳисобланадилар. Тасаввуф уламолари инсон Аллоҳни таниши учун ўзини, ўзлигини англамоғи зарурдир, деб

²³ Анъом сураси 125 оят.

²⁴ Зумар сураси 22 оят.

таъкидлайдилар. Бу фикрга хужжат қилиб, «Шамс» сурасидаги: «**Ҳақиқатан, уни (нафси) поклаган киши нажот топур**»²⁵ оятини ва Расулуллоҳ (с.а.в)нинг «**Ким ўзини таниса Роббисини танийди**» деган ҳадисини келтирадилар²⁶. Ал-Хорис ал-Мухосибий (тахм. 781-857)²⁷ шундай дейдилар: «Кимки, муруқба ва ихлос билан ботинини (ичини, қалбини) тузатса, Аллоҳ таоло мужоҳада ва суннатга тобе қилиш билан унинг зоҳирини гўзал қилади, кимки, нафсини риёзат билан покламаса, унга мақомот одобларининг (яъни, маърифатнинг йўли очилмайди)»²⁸.

6. Тасаввуф тавба, истиғфор, дуо, зуҳд, тақво, вараъ ва шунга ўхшаш маъноларнинг ҳақиқатини англаб етишига ёрдам беради.

Тасаввуф йўлининг ибтидосини ташкил этувчи тавба – гуноҳдан қайтиш, воз кечиш демакдир. Тавба – маънавий уйғониш, ўтмишдаги хато-камчиликларни тан олиб, улардан пушаймон бўлишдир. Зухд эса тасаввуфнинг илк даврларидаги асосий тамойиллардан саналган. Зухд (зоҳидлик) – “воз кечиш, назарга илмай тарк этиш, қизиқмаслик ва эътибор бермаслик” каби маъноларни билдиради. Тасаввуфда эса Аллоҳдан ташқари бошқа ҳамма нарсаларга кўнгил қўймасликни англатади. Улар дунёнинг ўткинчи, алдоқчи, охираат ҳаётига нисбатан қадр-қимматсизлигига қуйидаги ҳадисларни келтирадилар.

Расулуллоҳ (с.а.в):

"لو كانت الدنيا تعدل عند الله جناح بعوضة ما سقى كافرا منها شربة ماء"

“Агар Аллоҳнинг наздида дунё чивиннинг қанотичалик қимматга эга бўлганида, кофирни ундан бир ҳўплам сув билан сугормас эди”.

"ما الدنيا في الآخرة إلا مثل ما يجعل أحدكم إصبعة في اليم فينظر بماذا يرجع"

“Дунё охираатда бирингиз панжасини денгизга солгани мислича ҳам эмас. Бас, нима ила қайтишига назар солсин”

²⁵ Қуръони карим маъноларининг таржимаси. Шамс сураси сураси, 9-оят / Таржима ва изохлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети, 2007.

²⁶ Турсунов А. “Маърифат” тушунчасининг тасаввуфий талқини // ТИУ ахборот илмий таҳлилий бюллетени. – 2003. - № 2. – Б. 41.

²⁷ Ислом. Энциклопедия. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004. - Б. .

²⁸ Турсунов А. “Маърифат” тушунчасининг тасаввуфий талқини // ТИУ ахборот илмий таҳлилий бюллетени. – 2003. - № 2. – Б. 41.

"إن لكل أمة فتنة وفتنة أمتي المال"

“Ҳар бир умматнинг ўз фитнаси бор. Умматимнинг фитнаси молдир”.

Тасаввуфда муҳим ўрин тутган “валийлик” тушунчаси ҳам Қуръони карим ва ҳадисларга асосланган бўлиб, суфийлар бу хусусда қуйидаги ҳадисни келтирадилар:

"إن الله تعالى قال من عادى لي وليا فقد آذنته بالحرب وما تقرب إلي عبدي بشيء أحب إلي مما افترضته عليه وما يزال عبدي يتقرب إلي بالنوافل حتى أحبه فإذا أحببته كنت سمعه الذي يسمع به وبصره الذي يبصر به ويده التي يبطش بها ورجله التي يمشي بها وإن سألني لأعطينه ولئن استعاذني لأعيذنه وما ترددت عن شيء أنا فاعله ترددي عن نفس المؤمن يكره الموت وأنا أكره مساءته"²⁹

Абу Ҳурайра (р.а)дан ривоят қилинади:

“Расулulloҳ (с.а.в): “Аллоҳ таоло: “Ким менинг валийимга душманлик қилса, батаҳқиқ, Мен унга уруш эълон қиламан. Бандам Менга Мен унга фарз қилган нарсаларим каби яқинлашгани каби Менга маҳбуб нарса ила яқинлаша олмас. Бандам менга нафллари ила яқинлашишда бардавом бўлса, Мен унга муҳаббат қилурман. Қачон Мен унга муҳаббат қилсам, унинг эшитадиган қўзи, ушлайдиган қўли ва юрадиган оёғи бўлурман. Агар Мендан сўраса, албатта, унга берурман. Агар у Мендан паноҳ тиласа, Мен уни ўз паноҳимга олурман. Ҳеч бир нарсада мўминнинг жони ҳақида иккиланганимдек иккиланган эмасман. У ўлимни ёқтирмайди. Мен эса унга ёмонлик қилишни истамайман”, деди”, дедилар”

3. Тасаввуфга оид манбаларда ҳадисларнинг талқин қилиниши

Тасаввуфнинг асосий мавзулари Қуръони карим ва ҳадисларга асосланганлиги боис, кейинги даврларда мутасаввиф олимлар бу борада асарлар ёзганлар. Тасаввуфга оид ҳадис тўпламлари ҳам тўпланган. Шунингдек, суфийларнинг кўп китобларида ҳадисларнинг тафсири келтирилган. Бу йўналишнинг илк намоёндаларидан бири ал-Ҳаким ат-

²⁹ Имом Бухорий ва Имом Аҳмад ривоят қилганлар.

Термизий (в.320/932)дир. Унинг **“Наводир ал-усул”** асари ҳадисларнинг тасаввуфий талқинига бағишланган биринчи асарлардан биридир³⁰.

Ал-Ҳаким ат-Термизий ўзининг **“Наводир ал-усул фи маърифат ахбор ар-расул”** (*Пайғамбар ҳадисларини билишда нодир усуллар*) асарида Пайғамбар (с.а.в) ҳадисларини 291 усулда (боб) жамлайди. Ал-Ҳаким ат-Термизий ушбу асарини ёзишдан мақсад юқорида зикр қилинган тўпламлардан фарқли ўлароқ, фақат ҳадисларни жамлаб, уларни ривоят қилиш эмас. Чунки у ўз асаридаги ҳар бир ҳадисни тўлиқ-муфассал шарҳлаб, унинг ботиний ва зоҳирий маъноларини кўрсатиб, ҳадиснинг мазмун-моҳиятини, маъноларини ҳар томонлама таҳлил қилади. Унинг ҳар бир шарҳида тасаввуфий талқин сезилиб туради³¹. Масалан, “Наводир ал-усул”нинг 34-усулидаги ҳадис шарҳида шундай дейилади: Расулуллоҳ (с.а.в)дан ривоят қилинган “Мусулмон киши аёл кишининг зийнатларига бир қараб, сўнгра кўзини қуйи қилса, Аллоҳ унинг ибодатида ҳаловат беради” – ҳадисининг шарҳида шундай ёзади: Биринчи назар солиш – бу руҳнинг назари, иккинчи назар солиш эса нафснинг назар солишидир. Биринчи қарашда кўз аёл кишининг зийнатларига тушса, унга кўзни қуйи қилиш вожиб бўлади. Кўзни қуйи қилиш кўзнинг иши, шунинг учун савоб олади. Иккинчи бор очиб қараш эса кўзнинг иши, бу учун жазосини олади. Айтишларича кўзнинг қараши руҳнинг қараши билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам “ҳаё икки кўзда” дейдилар, чунки ҳаё руҳнинг ишидир. Яна айтадиларки, кўзи кўрдан ҳожатингни сўрама. Ибн Аббос дедилар: “Кўзи кўрдан ҳожатинги сўрама, агар кишидан ҳожатингни сўрасанг унинг афтига юзлан, зеро ҳаё икки кўздадир. Шунингдек, тунда ҳам асло сўрама, ҳожатингни тонгда сўра, чунки Расулуллоҳ (с.а.в) дедилар: **“Эй, Аллоҳим уммтимга унинг тонгларида барака бер!”**. Агарда киши кўзини ҳалол бўлмаган нарсадан қуйи қилса, руҳини ифлосланишдан сақлаган бўлади ва шу сабабдан унга бу дунёда савоб нури берилади, оқибатда у ибодат ҳаловатини

³⁰ Ёйлмаз Х.К. Тасаввуф и тарикаты. Пер. с турец. Урманов А. – М.: Издательская группа «САД», 2007. – Б. 52.

³¹ Усмонов И. “Наводир ал-усул” ҳикматлари. – Т.: Фан, 2009. – Б. 89.

топади. Абу Умома (р.а)дан ривоят қилишларича, Расулуллоҳ (с.а.в) дедилар: **“Аёл зийнатларига қараш, шайтоннинг заҳарланган ўқларидандир”** Кимики кўзини четга олса Аллоҳ унга ибодатида ҳаловат беради”³².

“Наводир ал-усул”да ал-Ҳаким ат-Термизий ҳадисларни бир шахсдан эшитиб, сўнгра уни бошқаларга ривоят қилиш билан чекланмайди, балки эшитган ҳадисларини чуқур таҳлил қилади, уларнинг ботиний маъноларини англашга ҳаракат қилади, ҳадисларни руҳиятда ва маиший ҳаётда қандай татбиқ қилиш мумкинлигини кўрсатиб беради³³.

Шунингдек, К. Йилмаз “Тасаввуф ва тариқатлар” китобида Абу Бакр Калабозий (в.380/990)нинг “Баҳрул фавоид” асари ҳадисларнинг тасаввуфий талқинига бағишланган муҳим асарлардан бири сифатида келтириб ўтади³⁴.

³² Ҳаким Термизий. Нодир масалалар. «Масоил аҳли Сарахс» асари асосида. Араб тилидан И.Усмонов таржимаси. – Т.: Мовароуннаҳр, 2007. Б. 17.

³³ Усмонов И. “Наводир ал-усул” ҳикматлари. – Т.: Фан, 2009. – Б. 91.

³⁴ Йилмаз Х.К. Тасаввуф и тариқаты. Пер. с турец. Урманов А. – М.: Издательская группа «САД», 2007. – Б. 52.

Хулоса

Хулоса қилиб айтганда, тасаввуф илми ислом илмлари орасида катта аҳамиятга эга бўлган илмлардан бири ҳисобланади. Бу илм инсон нафсини тарбияловчи, қалбини энг эзгу сифатлар билан безаб, уни гўзал ахлоқ соҳиби бўлишга етакловчи ҳамда энг асосийси маънавий мартабаларни босиб ўтиб, энг юксак мартаба бўлмиш «комил инсон» мақомига эришмоқ қоидаларини ўргатувчи илм бўлгани учун ҳам ислом маданияти ва тафаккури тарихида муҳим ўрин тутди.

Тасаввуф тадрижий тараққиётга эга бир таълимот бўлиб, ислом оламида VIII асрнинг ўрталарида пайдо бўлган. Дастлаб у зоҳидлик ҳаракати кўринишида куртак ёяди.

IX аср бошларига келиб, тасаввуфнинг назарий асослари ишлаб чиқилди, сўфийларнинг амалий руҳий-психологик машқлари, ўз-ўзини тарбиялаш ва чиниқтириш тадбир-усуллари шаклланди, тариқат, маърифат, ҳақиқат деган тушунчалар юзага келиб, тасаввуфнинг ушбу уч қисмига оид қарашлар мажмуи тузилди-тасаввуф алоҳида илм сифатида қарор топди.

Тасаввуф ва тариқат масаласи ўтмишдаги каби бугунги кунда ҳам кўп баҳсларга сабаб болган мавзулардан биридир. Унинг ўзига хос илм соҳаси, амалий ва назарий ҳамда руҳий ва тажрибавий хусусиятлари мавжуд. Жумладан:

- Тасаввуф тажриба орқали ҳис қилиб, яшаб, англашиладиган хол илмидир.
- Тасаввуф амалда қўлланадиган бир илм бўлганидан муршид ёки шайх (ёки пири комил) дейиладиган устоз ҳузурида ва унинг тарбияси остида ўрганилади.
- Тасаввуф илмининг мавзуси маърифатуллоҳдир.
- Тасаввуф сирларини ўргатган муршид ёки шайх деган кишининг ҳазрати Пайғамбаримизга уланадиган, узилиб қолмаган бир силсилага соҳиб бўлиш керакдир.

- Тасаввуф китобий бир илм эмас. Яъни бирор киши тасаввуфга доир ёзилган китобларни ўқиб, (пир ва унинг кўрсатмасини бажармасдан) шайх ва сўфий бўлолмайди.
- Тасаввуф кўз билан кўрадиган бу шаҳодат ва носут (биз кўрмайдиган) оламидан ташқари, ҳар замон ғайб оламидан баҳс этади.

Тасаввуфга, тариқат деб аталган ва Аллоҳга етказадиган ўзига хос йўллар билан кирилади.

Тасаввуф атамасининг этимологияси борасида бир неча қарашлар мавжуд бўлиб, уларнинг аксариятида мазкур атаманинг “صوف” (жун) сўзидан келиб чиққани қайд этилади. Чунки суфийлар танларини риёзатда чиниқтириш ҳамда дунёнинг моддий бойликларидан юз ўтирганликларининг исботи сифатида қаттиқ жундан тикилган либос кийиб юрганлар.

Тасаввуфнинг асосий ғояси инсонни маънавий камолотга етказиш бўлганлиги боис, **«маърифат»** - тасаввуфнинг муҳим мавзуларидан бири ҳисобланади. Маърифатуллоҳ – Аллоҳни таниш, билиш.

Тасаввуфнинг асосий мавзулари Қуръони карим ва ҳадисларга асосланганлиги боис, кейинги даврларда мутасаввиф олимлар бу борада асарлар ёзганлар. Тасаввуфга оид ҳадис тўпламлари ҳам тўпланган. Шунингдек, суфийларнинг кўп китобларида ҳадисларнинг тафсири келтирилган. Бу йўналишнинг илк намоёндаларидан бири ал-Ҳаким ат-Термизий (в.320/932)дир. Унинг **“Наводир ал-усул”** асари ҳадисларнинг тасаввуфий талқинига бағишланган биринчи асарлардан биридир.

Суфийларнинг фикрича, фақат комил инсонгина ҳақиқатни тушуниши мумкин, шунинг учун ҳам комилликка интилади. Комил инсон даражасига етишиш шартларидан бири эҳсон мартабасига кўтарилишдир. Эҳсон араб тилидаги “аҳсана” сўзидан ясалган бўлиб, яхши, Аллоҳга маъқул келадиган, Аллоҳ буюрган амалларнигина адо этишликни англатади. Демак, эҳсон деганда мункар амалларга зид бўлмиш адо этилган хайрли, Аллоҳга маъқул келадиган амалларни тушунишимиз зарур. Бундай хайрли амалларни

бажарувчи инсон муҳсинлик мартабасига етмасдан туриб комил инсон бўла олмайди.

Фикҳ, тафсир, ҳадис ва калом каби илмлардан ташқари, мустақил бир илм соҳаси сифатида ҳижрий II асрнинг охиридан бошлаб жамлана бошлаган тасаввуфнинг бир қанча ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Ислом оламида пайдо бўлиб, тараққий этган тасаввуфнинг асосини ташкил этувчи ғояларнинг барчаси ислом динининг асосий манбаси ҳисобланган Қуръони карим ва ҳадиси шарифларга асосланади. Тасаввуф мавзусида асар ёзган муаллифлар, барча фикрларини ё бир ояти каримага ёхуд бир ҳадиси шарифга таянган ҳолда билдирганлар.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

Президент асарлари

1. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. 8. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 524 б..
2. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарорлик тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 430 б.
3. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 24 б.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 118.
5. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. 7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 410 б.

II. Китоблар

6. Қуръони карим маъноларининг таржимаси / Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети, 2007. – 618 б.
7. Ислом. Энциклопедия. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004. – 320 б.
8. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. К. 1. – Т.: Ёзувчи, 1996. – 272 б.
9. Комилов Н. Тасаввуф. К. 2. Тавҳид асрори. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат, Ўзбекистон, 1999. – 208 б.
10. Муҳаммад Содик М.Ю. Тасаввуф ҳақида тасаввур. – Т.: Мовароуннаҳр, 2004. – 256 б.
11. Муҳаммад Содик М.Ю. Ҳадис ва ҳаёт: Зухд ва рақоиклар. – Т.: Шарқ, 2008. – 352 б.

12. Муҳаммад Содик МЮ. Одоблар хазийнаси / Имом ал-Бухорий “Ал-адаб ал-муфрад” китобининг шарҳи. Биринчи жуз. – Т.: Шарқ, 2008. – Б. 442.

13. Турар У. Тасаввуф тарихи. – Т.: Истиқлол, 1999. – 180 б.

Шайх ал-Калободий. Тасаввуф сарчашмаси. (Ат-Таъарруф ли мазҳабит тасаввуф). Арабчадан Отакул Мавлонқул ўғли ва Мавлуда Отакул кизи таржимаси. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2002. – 144 б.

14. Ал-Ҳаким ат-Термизий. Нодир масалалар. «Масоил аҳли Сарахс» асари асосида. Араб тилидан Иброҳим Усмонов таржимаси. – Т.: Мовароуннаҳр, 2007. – 88б.

15. Усмонов И. “Наводир ал-усул” ҳикматлари. – Т.: Фан, 2009. – 176 б.

Ас-Суллами Абу Абдурраҳмон. Табақоти суфиййа/ Таржимон, нашрга тайёрловчи ва муқаддима муаллифи Нуритдинов М. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ФА “Фан”, 2004. – Б. 92.

16. Нуруллоҳ Сайдо ал-Жазарий. Тасаввуф сирлари. 1-китоб. – Т.: Мовароуннаҳр, 2000.

17. Ёўлдошхўжаев Ҳ. Тариқатчиликнинг замонавий кўринишлари. – Т.: Тошкент ислом университети, 2010.

Араб тили

18. Калобозий Абу Бакр Муҳаммад. Ат-таъарруф ли мазҳаби аҳли ат-тасаввуф / Юҳанно ал-Жайб ас-Содир нашрга тайёрлаган. – Байрут: Дор ас-Содир, 2006

Рус тили

19. Тримингэм Дж.С. Суфийские ордены в исламе. Перевод. с англ. А.А.Ставиской, под ред. и с предис. О.Ф. Акимускина. – М.: Наука, 1989. – 3 – 326 б.

20. Ёылмаз Х.К. Тасаввуф и тарикаты. Пер. с турец. Урманов А. – М.: Издательская группа «САД», 2007. – 300 б.

Журналлар

21. Жўзжоний А.Ш.Тасаввуф таълимотида комил инсон сиймоси // ТИУ ахборот илмий таҳлилий бюллетени. – 2003. - № 2. – Б. 34-40.

22. Комилов Н. Маънавий камолот илми // ТИУ ахборот илмий таҳлилий бюллетени. – 2003. - № 2. – Б. 4-10.

23. Турсунов А. “Маърифат” тушунчасининг тасаввуфий талқини // ТИУ ахборот илмий таҳлилий бюллетени. – 2003. - № 2 . – Б. 41 .

Тадқиқотлар

24. Усманов И. Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг «Наводир ал-усул» асари ҳадис ва тасаввуф илмига оид муҳим манба: Тар. фан. ном. дис... – Т.: ТИУ, 2005. – 260 б.